



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2013 йил 17 июнь, Душанба

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСII КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 118 (12.429)

Баҳоси эркин нарҳда

МУШТАРАК ОЛИЖАНОБ МАҚСАДЛАР — МУСТАҲКАМ ДЎСТЛИК АСОСИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислон Каримовнинг таклифи биноан Қозоғистон Республикасининг Президенти Нурсултон Назарбоев 13 июнь кунини расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 14 июнь кунини Қўқсаройда бўлиб ўтди. Олий мартабали меҳмонни расмий қутиб олиш маросими бўлди. Қозоғистон Республикасининг Президенти шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Икки давлат раҳбарлари шохсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафидан олдинда ўтидилар.

Икки давлат раҳбарлари тор доирадаги музокараларда Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларини ривожлантиришнинг муҳим масалаларини, минтақадаги ва халқаро майдондаги бугунги ҳолатни атрафлича муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг қўриб чиқилган икки ва кўп томонлама ҳусусиятга эга деярли барча масалалар бўйича позиция ва ёндашувлари ўхшаш ва яқин экани таъкидланди.

Томонлар мамлакатларимиз ўртасида олий даражадаги давлатлараро мулоқотлар қарор топганини ҳамда давлатларимизнинг миллий манфаатларини ва бугунги давр талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳамкорлиқни ҳар томонлама янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш борасидаги интилишлари муштарак эканини таъкидладилар.

Қатъий сиёсий ирода, яқин ҳамжиҳатлик, мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий база ҳамда конструктив ҳамкорлик борасида тўлланган катта тажриба натижасида бугун узоқ муддатга мўлжалланган кенг кўламли самарали ҳамкорлик учун барча зарур шароитлар ва асослар яратилган.

Ўзбекистонда Қозоғистонга вақт синовидан ўтган ишончли қўшни сифатида қаралади. Қозоғистон ҳам мамлакатимизга ана шундай нуқтаи назар билан қарайди.

Ўзбек ва қозоқ халқларини кўп асрлик қардошлиқ ришталари, муштарак тарих ва тақдир, маънавий ва маданий қадриятлар, ўхшаш тил ва менталитет бирлаштириб туради. Таъкидланганидек, халқларимизнинг умумий тарихий меросини, шунингдек, уларнинг бугунги ва келажакдаги бир-биридан ажратиб бўлмайдиган. Биз ҳар доим ўзаро яқин бўлганимиз ва ҳаммиса бир-биримизга суянамыз.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш нафақат ўзаро ҳамкорликнинг узоқ муддатли истиқболлари, айни вақтда бугун Марказий Осиё минтақаси барқарорлиги ва раванқини таъминлаш нуқтаи назаридан ҳам алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Ислон Каримов ва Нурсултон Назарбоев минтақавий хавфсизлик масалаларини муҳокама қилар эканлар, Ўзбекистон ва Қозоғистон Афғонистондаги вазият тезроқ изга тушишидан манфаатдор эканини таъкидладилар ҳамда давлатларимизнинг ушбу мамлакат иқтисодиётини тиклашга қўшаётган ҳиссасини ижобий баҳоладилар.

Томонлар минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасида алоқаларни янада фаоллаштириш ва ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш масалаларини юзасидан фикр алмашдилар. Кўп томонлама тузилмалар доирасидаги ҳамкорлиқни изчил ривожлантириш барқарорлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилади ҳамда минтақавий ва халқаро даражада тараққиётнинг янги йўналишлари учун замин яратди. Шу маънода Ўзбекистон ва Қозоғистон бундан буён ҳам БМТ, МДХ, ШХТ каби кўп томонлама тузилмалар доирасида бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватлашга тайёр.

Учрашув чоғида икки ва кўп томонлама ҳамкорлик доирасидаги муносабатларга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларга халқларимизнинг тўб манфаатларидан келиб чиққан ҳолда биргаликда ҳар икки томон учун мақбул ечим топиш мақсадида олий даражадаги Ўзбекистон — Қозоғистон мулоқотини давом эттиришга келишиб олинди.

Президентлар терроризм, наркотрафик, диний экстремизм, сепаратизм, трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашишда ўзаро ҳамкорлиқни чуқурлаштириш муҳим эканлигини таъкидладилар.

Томонлар Ўрта Осиёда сувдан адолатли фойдаланиш тизими масалаларида ягона позицияни тасдиқладилар. Мазкур позиция минтақадаги барча сув-энергетика муаммоларини фақат халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари ва минтақадаги барча мамлакатларнинг манфаатларини албатта ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиш зарурлигига асосланади. Дарёларнинг юқори қисмида қурилиши режалаштирилган ҳар қандай гидротехник иншоотлар БМТ шафелигида халқаро мустақил экспертизадан ўтказилиши шарт ҳамда Амударё ва Сирдарёнинг қуйи қисмида жойлашган мамлакатлар билан ўзаро келишиб олинган лозим.

Президентлар музокарани икки мамлакат расмий делегациялари аъзолари иштирокида давом эттирдилар.

Кенгайтирилган таркибдаги музокараларда асосий эътибор савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик масалалари, маданий-гуманитар соҳадаги муносабатларга қаратилди.

Қозоғистон Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий соҳадаги муҳим шерикларидан бири бўлиб, ўзаро сав-

до изчил ва барқарор ўсиб бормоқда. 2012 йил якунларига кўра, мамлакатларимиз ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 9,6 фоиз ошди ва 2 миллиард 752 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. 2013 йилнинг январь-апрель ойларида эса ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,7 фоиз ўсди ва 920,4 миллион долларга етди.

Транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорлик ўзаро муносабатларнинг устувор йўналишларидир. Бу борада юкларни транзит қилиш ва етказиб беришни ташкил этишда тариф ва нота-риф преференциялар бериш ҳамкорлиқнинг асосий жиҳатлари ҳисобланади. 2012 йил якунларига кўра, Ўзбекистоннинг Қозоғистон ҳудуди орқали транзит қилинган юклари ҳажми 1474,6 минг тоннани, Қозоғистоннинг Ўзбекистон ҳудуди орқали транзит қилинган юклари ҳажми 3142,9 минг тоннани ташкил қилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида Қозоғистон капитални иштирокида тузилган 177 корхона, шу жумладан 149 қўшма корхона ва 28 тўлиқ чет эл капитални иштирокидаги корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Қозоғистон ҳудудида Ўзбекистон Республикаси резидентлари иштирокида ташкил этилган 125 корхона рўйхатга олинган. Вазирлик томонидан Қозоғистоннинг қатор йирик фирма ва компанияларининг ваколатхоналари аккредитация қилинган.

Давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг бугунги динамикасини сақлаб қолиш ва уни янада кўпайтириш мамлакатларимиз манфаатларига хизмат қилади. Музокараларда таъкидланганидек, мувозанатлашган тизим асосида ҳамда икки мамлакат миллий ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг ўзаро эҳтиёж мавжуд бўлган товар гуруҳларини синчковлик билан аниқлаш орқали ўзаро савдо номенклатурасини кенгайтириш мумкин. Мисол учун, Ўзбекистондан Қозоғистонга енгил ва юк автомобиллари, автобуслар, қишлоқ хўжалик техникаси, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, электротехника ва енгил саноат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, ойна, полиэтилен ва Қозоғистон бозорида талаб бўлган бошқа товарларни экспорт қилиш бўйича ишга солинмаган катта захиралар мавжуд. Ўз навбатида, Ўзбекистон Қозоғистондан мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган, миллий иқтисодиётимиз эҳтиёжлари учун зарур бўлган, жумладан, металлпрокат, темир қотишмаси, ёғоч ва тахта каби маҳсулотларни импорт қилиши мумкин.

Томонлар икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия фаолиятини янада такомиллаштиришдан манфаатдор. Бу узоқ муддатли кооперация тамойиллари асосида ўзаро манфаатли сармоявий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, транспорт, транспорт коммуникациялари ва транзит соҳаларидаги ҳамкорлиқни янада кенгайтириш, «Турканистон — Ўзбекистон — Қозоғистон — Хитой» газ қувури орқали табиий газни транспортировка қилиш бўйича ҳамкорлиқни фаоллаштириш имконини беради.

Президентлар маънавий яқинлик ва кўп асрлик аънавий муносабатларга асосланган маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлиқни кенгайтириш масалаларини ҳам муҳокама этдилар.

Икки мамлакат илмий ва таълим муассасалари ўртасида ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви, ўқув-методик материаллар алмашиш борасида тўғридан-тўғри алоқалар йўлга қўйилган. Хусусан, 2006 йилда Хоразм Маъмул академияси билан Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан вазирлигининг Р.Сулаймонов номидаги Шарқшунослик институти ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган.

Мамлакатларимиз маданият ва санъат соҳасида фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мисол учун, ўзбекистонлик халқ усталари Олмаота шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё ғунарамандлари кўргазма-ярмаркасида мунтазам иштирок этиб келмоқда. Остона, Олмаота ва башка шаҳарлардаги бадиий галереялар ва музейларда машҳур ўзбек рассомларининг кўргазмалари намойиш қилинмоқда. Ўзбекистон мусиқа ва театр жамоаларининг Қозоғистонга гастроллари ташкил этилмоқда. Ўзбекистон кинематографчилари ўз фильмлари билан Қозоғистонда ўтказилаётган кинофестивалларда иштирок этмоқда. Қозоғистонлик санъаткорлар Самарқандда ўтказилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг ҳамда мамлакатимизда ташкил қилинадиган бошқа кўпбаъли йирик маданий тадбирларнинг доимий ва фаол қатнашчиларидир.

Ўзбекистонда юздан ортиқ қозоқ миллий-фольклор ва эстрада ансамбллари фаолият кўрсатаётир. Жумладан, Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида «Дўмбира» қозоқ ансамбли, Бўстонлик туманида «Дорин» ансамбли мавжуд. Тошкент вилоятида фольклор-ашула, Хоразм вилоятида ашула ва рақс ансамбллари ташкил этилган.

Музокараларда маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлиқни янада ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Томонлар мусиқали ва драма

театрлари, бадиий ва ижодий жамоалар ҳамда якка-хон ижрочиларнинг ўзаро гастролларини, спорт ва жисмоний тарбия соҳасида тажриба ва мутахассислар алмашишни, миллий спорт турларини ривожлантириш, икки давлат ташкил қиладиган халқаро турнирларда спортчиларнинг иштирок этишини таъминлаш ишларини, маданият, фан ва санъат соҳасидаги таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабалари алмашинуви фаол давом эттиришга келишиб олдилар.

Музокаралар якунлари бўйича Ислон Каримов ва Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Шунингдек, икки мамлакат икки ишлар вазирликлари ва божхона хизматлари ҳамкорлигига доир ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазирлиги ўртасида маданият соҳасида 2013-2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури қабул қилинди.

Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномада сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, сув-энергетика, экология, маданий-гуманитар, ҳарбий-сиёсий ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳамкорлиқнинг асосий принциплари ва устувор йўналишлари мустаҳкамланган. Шунингдек, Марказий Осиёда сувдан адолатли фойдаланиш тизимини ривожлантириш борасидаги ўзаро келишилган ягона позиция тасдиқланган.

Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда мазкур ташриф ўзбек ва қозоқ халқларининг кўп асрлик тарихий, маданий ва маънавий яқинлигини, мамлакатларимизнинг юксак даражадаги ўзаро ишонч ва ҳурмат-эҳтиромини яна бир бор тасдиқлаганини ҳамда икки давлат ўртасидаги муносабатларни стратегик шериклик даражасига олиб чиққанини таъкидладилар.

Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонасининг янги биноси ва қозоқ адабиётининг буюк наомиядаси Абай Қўнонбоев ҳайкалининг очи-лиши Нурсултон Назарбоевнинг Ўзбекистонга ташрифининг ёрқин воқеаси бўлди.

Маросимда икки давлат раҳбарлари бир неча йил аввал Тошкент шаҳрининг тарихий марказида, қозоқ адабиёти асосчиси номи билан аталувчи кўчада Қозоғистон элчихонасининг янги биносини барпо этиш бўйича келишувга эришилганини таъкидладилар. Президентларнинг ушбу гоёси ҳаётда ўз амалий ифодасини топгани мазкур масканга янги қиёфа бахш этиб, пойтахтимиз ҳуснига-хусн қўшди. Тошкент шаҳри яна бир ноёб меъморий иншоот билан бойиди.

Абай Қўнонбоев ҳайкали ўзбек ва қозоқ халқлари муштарак қадриятларининг яна бир ёрқин тимсолига айланди. Ўзбекистонда ўз даврида ҳаётда инсоннинг муқаддас бурчларидан бири — бу чин дўст этиришидир, деб ёзган мутафаккирнинг буюк мероси кириб борманган хонадонни топиш мушкул.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ҳамкорлигининг ривожланиш суръатларини қузатар эканмиз, мамлакатларимиз ўртасида қарор топган самимий дўстлик муносабатлари мисолида буюк Абайнинг мазкур давлати ижобатининг ифодасини яққол кўришимиз мумкин.

Ҳаммиса эзгу ва олижаноб мақсадлар сари интилиб яшайдиган халқларни Яратганининг ўзи қўллаб, орзу ва умидлари ижобат бўлишида мададкор бўлади. Бунга азиям пойтахтимизда ўзбек ва қозоқ халқлари азалий дўстлигининг гўзал тимсоли сифатида қад рўстлаган Қозоғистон элчихонасининг янги биноси ва Абай ҳайкали очилишига бағишланган маросим чоғида кут-барак ва фаровонлик рамзи — ёмғир ёққани ҳам бир ишорадир.

Ислон Каримов ва Нурсултон Назарбоев давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Тошкент шаҳрида бунёд этилган «Маърифат маркази»га ташриф буюрдилар. Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳай олган умиддаги Ўзбекистон Миллий бино йирик халқаро анжуманлар, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш, аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш бора-сида жаҳон андозаларига тўла мос келади. Бу муазам бино атрофидаги ландшафт дизайни унга алоҳида кўрк бахш этиб турибди. Қозоғистон Президенти мажмуанинг миллий меъморлик аънавалари ва замонавий архитектура усулларини ўзида мужассам этган меъморий ечимини ва дизайнига юксак баҳо берди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга расмий ташрифи ана шундай кўтаринки руҳда ниҳоясига етди. Ушбу ташриф самимий дўстлик ва узоқ муддатга мўлжалланган ўзаро манфаатли муносабатлар ривожидидаги муҳим тарихий воқеа бўлди. Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги давлатлараро мулоқот ҳар доим фаол бўлган ва мунтазамлик касб этган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Анвар БОБОЕВ,
Олим ТЎРАКУЛОВ,
ЎЗА мухбирлари



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Гулистон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси, Республика Ҳарбий прокуратураси ҳамда Сирдарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида «Минтақада тинчлик ва хавфсизлиқни таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг ташаббуслари» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

● Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда Британия кенгаши ҳамкорлигида мамлакатимизда чет тилларни чуқур ўрганишга қаратилган «Янги авлод учун маҳорат дарслари» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида лойиҳа асосида бажарилаётган ишлар таҳлил этилди.

● Самарқандда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари бадиий хаваскорлик жамоалари ўртасида «Барҳаёт аънавалар» фольклор фестивалининг республика босқичи бўлиб ўтди. Мазкур аънавий тадбир ўқувчи ёшларнинг бой миллий маданиятимизнинг дурдона асарлари билан яқиндан таништириш, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос урф-одат ва аънавалари, азалий қадриятларини ўрганиш ва барҳаётлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бу йилги фестивалда ҳам халқимизнинг серқирра маънавий мероси намуналари жамоаларнинг чиқишлари, сахна кўринишларида ўз ифодасини топди.

● «Микрокредитбанк»нинг Пастдарғом тумани Жума филиали томонидан пухта бизнес режасига эга бўлган 21 нафар коллеж битирувчисига замонавий тикув машиналари ҳамда 76 нафар чеварга имтиёзли кредит асосида харид қилинган компьютер жамланмалари топширилди. Шунингдек, 6 нафар битирувчи ўз фаолиятини мазкур молия муассасасида бошлайдиган бўлди.

● Зомин педагогика коллежидида Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти «Мактабгача таълим назарияси ва услубиёти» кафедраси билан ҳамкорликда «Баркамол ёшлар — энг катта ютуғимиз» мавзусида семинар ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

● Филадельфия атрофидаги шаҳарчада 5 июнь кунини тўсатдан қулаши натижасида олти киши ҳаётдан қўз юмган бинони текширган инспектор ўз ҳаётига қасд қилди.

● Колорадо штатидаги ўрмонларда ўрмон ёнғинлари натижасида қирқ минг киши хавфсиз жойларга кўчирилди. Бундан бир неча кун аввал бошланган ёнғинлар оқибатида 60 квадрат километрли ҳудудда камида 360 та уй қуйиб қул бўлган.

● Грузия ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан террорчилик ҳаракатининг олди олинди. Мамлакат ички ишлар вазирлиги маълумотида кўра, Тбилисида икки хориж фуқароси қўлга олинган бўлиб, уларнинг яшаш жойидан катта микдордаги портловчи қурилмалар ва электр детонаторлар топилган.

● Аргентинанинг Буэнос-Айрес шаҳри яқинидаги Кастеллар станцияси атрофида темирйўл ҳалокати рўй берди. Шаҳар атрофида қатнайидиган иккита поезднинг тўқнашиб кетиши натижасида дастлабки маълумотларга кўра уч киши ҳалок бўлган, 150 та одам турли даражадаги тан жароҳатларини олган. Қурбонлар сонининг ошиши мумкинлиги айтилмоқда.

Ота-боболаримиз азалдан уй шаронтида бутун оила бўлиб муайян касб-хунар билан шуғулланиб келган. Истиқлол туфайли бундай анъаналар янада равноқ топаёттир. Бунинг миллий хунармандчилиги тараққий этиб, зардўзу каштачилар, ёғоч ўймакорлиги усталари нафақат маҳаллий, балки дунё бозоридида муносиб ўрин эгаллаётганида ҳам кўрса бўлади.

Иқтисодиёт

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛАРГА ЯРАТИЛГАН ИМТИЁЗЛАР

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелда қабул қилинган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун билан оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатлари янада мустаҳкамланди. Қонунга кўра, оилавий тадбиркорлик – оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад олиш мақсадида бажариладиган ташаббускорлик фаолияти бўлиб, у юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Энг қулайлиги барча оила аъзолари, яқин қариндошлар оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин.

— Тадбиркорларга яратилаётган қулайликлардан фойдаланиб, жорий йилнинг баҳорида тикувчилик цехи ташкил этдик, — дейди яқка тадбиркор Моҳира Қурбонаева. — Энг қувонарлиси, бемалол ишлашимиз учун барча шароитлар яратилган бўлиб, хаттоки текширувлар ҳам ҳар йили эмас, тўрт йилда бир марта ўтказилиши фаолиятимиз ривожига қўл келади. Ҳозирда биз олтига иш ўрни яратиб, ўз маблагимиз эвазига ўнга яқин тикув машиналари харид қилдик. Тикувчи қизлар ёрдамида кунига 100 дондан ортқ эркаклар ва аёллар кийимларини буюртмачиларга етказиб бераётимиз.

Оилавий тадбиркорликнинг қулай хижатларидан яна бири оилавий корхона эгаси ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойлардан оилавий корхона фаолиятида фойдаланиши мумкин. Аниқроғи, бунда турар жойни аввалгидек ашаш учун мўлжалланмаган жойларга айлантириш талаб қилинмайдиган.

Бугунги кунда яратилаётган бундай имкониятлардан ўз фаолиятида кенг фойдаланаётган оилавий тадбиркорлик субъектлари сафи тобора кенгаймоқда. Сергели туманида яшовчи Махфуза Шоёқубова — улардан бири. Хунарманд оиласида дунёга келган Махфузаҳон ва унинг ака-укалари ота касбини тутиб, шу йўлни танлашди. Ийилар ўтиб, хунарманд аёлининг тўнғич ўғли Баҳромжон наққошлик сирларини ўрганиб, меъбел яшлаб чиқаришни йўлга қўйди. Келини Холидаҳон ёшларга чеварлик сирларини ўргатиш мақсадида қизлар учун тўқиш ва тикиш тўғрагини ташкил этди.

— Ўз уйимизда фаолият олиб бориш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларимизни шу ердан реализация қилиш имконияти яратилгани бизга жуда катта қулайлик бўлди, — дейди М.Шоёқубова. — Илгари уйда савдо-сотик қилишга йўл қўйилмаслиги муайян қийинчиликлар туғдирарди. Ҳозирги кунда буларга барҳам берилгани ишлаб чиқаришимиз ўсишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Чунки товарни бозорга олиб чиқиш, сотиш учун ҳам анча вақт ва маблаг сарфланарди.

Оилавий тадбиркорларга коммунал инфратузилма объектларидан фойдаланиш борасида катта қулайлик яратилган. Эндиликда биз гарчи товар ишлаб чиқараётган бўлсак-да, электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти учун аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида тўловларни амалга оширмаймиз.

Тадбиркорлик ривожига, албатта, кредитлар муҳим ўрин тутди. Оилавий корхонага кредитлар беришда банклар, кредит ёки суғурта ташкилотлари, тўловга қобилиятли юридик ва жисмоний шахслар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қафил бўлиши мумкин. Оилавий корхонани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, бундай субъектлар фаолиятининг эркинлиги кафолатлари соҳа ривожига муҳим ўрин тутиши шубҳасиз. Оилавий тадбиркор М.Шоёқубова ҳам келгусида банкдан сармоя олиб, иш фаолиятини янада кенгайтириш орқали янги иш ўринлари яратиши режалаштирмоқда.

Аслида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилдан йилга жадал ривожланмоқда, иқтисодиётнинг ушбу соҳасида банд бўлган ёшлар сафи тобора кенгаймоқда. Уларнинг кўпчилиги, яратилган шарт-шароит ва имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, ўз бизнесини очмоқда ва аҳолига сифатли хизматлар кўрсатмоқда.

Хилола ВОХИДОВА

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва «Қишлоқ қурилиш банки» томонидан намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ташкил этиш ва кенгайтириш борасида жорий йилга белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши юзасидан матбуот анжумани ўтказилди.

Мамлакатимизда қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш, улар учун замонавий ва сифатли уй-жойларни қуриш, ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш, янги инфратузилмани шакллантириш, республикамиз қишлоқлари қиёфасини бутунлай янги босқичга кўтаришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Очиқ акциядорлик тижорат «Қишлоқ қурилиш банк»и ушбу жараёни кенг миқёсда молиявий қўллаб-қувватлаб келмоқда. Жумладан, янги, замонавий қурилиш материаллари ва конструкциялари ишлаб чиқарадиган, тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқларда объектлар қурилишининг индустриал ва йиғма технологияларини жорий этадиган корхоналарга кредит бериш, юридик ва жисмоний шахсларга комплекс банк хизматлари кўрсатилиши таъминлаёттир.

Таъкидлаш жоиз, қишлоқ аҳоли пунктларини замонавий лойиҳалар бўйича комплекс қуришга қаратилган Давлат

ТЕХНИКА ИЖОДКОРЛИГИ НАМУНАЛАРИ

Соҳага оид илмий-техник вазифаларни ҳал этиш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда техника ижодкорларининг муносиб ўрни бор.

Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти томонидан ҳам бу борада саъй-ҳаракатларга қўл урилмоқда. «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ўтказилган республика танлови ҳам қутилган натижаларни берди.

Танловга 20 га яқин рационализаторлик иши тақдим этилди. Шундан ўнга яқин муаллифлар голиб деб топилди.

«Телевизион узаткича олд кучайтиргич ўрнатил», «1кВтлн телевизион узаткичнинг қувватини махсус мослама орқали 5 кВтга ошириш» каби техника ижодкорлиги намуналари муаллифлари ҳам муносиб тақдирланди.

«Рақамли синов столи» деган ихтиро жамиятининг Тошкент шаҳар тармоғи томонидан тайёрланган бўлиб, уни амалиётга татиқ этиш режалаштирилди.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан мамлакатимизнинг барқарор тараққиётини таъминлашга қаратилган ишларнинг муҳим қисми бўлган ёшларга оид сиёсатни изчил амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

«Қамолот»

ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

2001 йилда Юртбошимиз ташаббуслари билан ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш ва уларнинг юксак оруз ва интилишларини муҳассамлаштириш мақсадида «Қамолот» ЕИХга асос солинган эди. Ўтган вақт мобайнида ҳаракат ёшларнинг чинакам суянчи ва танчанга айланишга улгурди.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши томонидан ташкил этилган «Ватан, дўстлик ва халқларварлик учун» шиори остидаги «Қамалак» болалар ташкилотининг анъанавий XII анжуманида ҳам ана шулар қайд этилди. Анжумандан қўзланган асосий мақсад ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари фаолият самарадорлигини ошириш, етакчилари ёшлар билан ишлаш кўникмаларини такомиллаштириш, илгор тажрибаларни оммалаштириш ва намунали фаолият олиб бораётган бошланғич ташкилот етакчиларини рағбатлантириш тизимини ташкил этишдан иборат.

Анжуманда ҳаракатнинг таълим муассасаларидаги сардор ва етакчилари, Кенгаш аъзолари, бошланғич ташкилот етакчилари, ҳаракат фаоллари, таълим муассасалари раҳбарлари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тадбир бошланишида ҳаракат томонидан 2012 йилнинг сўнгги олти ойи ҳамда 2013 йилнинг биринчи чораги давомида амалга оширилган лойиҳа ва тадбирларни ахс эттирган фильм намойиш этилди.

Маълумки, 2008 йил бошида «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ва «ЭвоБус ГмбХ» компанияси ўртасида 200 та «Мерседес-Бенц» русумли автобуслар харид қилиш тўғрисида шартнома имзоланган эди. Шу келишувга биноан бу транспорт воситаларининг талай қисми Германиядан олиб келинди.

Транспорт

«МЕРСЕДЕС»ЛАР ЙЎЛОВЧИЛАРГА МАНЗУР

«Мерседес-Бенц» ҳўжалик ҳисобидаги сервис хизмат кўрсатиш маркази мутахассисларининг фикрига кўра, ушбу автобуслар олдингиларига нисбатан замонавий кўриниши, қулайлиги билан ажралиб туради.

Хайдовчи салони жиҳозлари, яъни салон совитиш, иситиш тизими ва бошқарув тизими автоматлаштирилган. Айни вақтда барча тизимларнинг электроника орқали текшириш ва назорат қилиш имкониятлари бор.

Автобуслар бошқарувида автобус борт компютери ўрнатилган бўлиб, у хайдовчиларни барча тизимларининг техник ҳолати, ишлаш жараёни бўйича огоҳлантириб туради.

Ўриндиқлар эса хайдовчи бошқариши учун мослашадиган, ҳаво тизимида ишловчи жиҳозлар билан таъминланган. Двигатель тизимининг совитиш ва ҳаво тизимлари, ҳаво филтрлари — муҳандис-техник ходимлар томонидан янги аэродинамик ишлаб чиқилган циркуляцияцион тизимлар асосида ишловчи мосла-



маларга ўрнатилган.

Автобуслар пол қисми пастлаштирилган турдаги транспорт воситаси бўлгани учун йўловчиларнинг автобусга чиқиш-тушиши, юк ва махсус аравачаларни ортиш учун қулай қилиб ишланган.

Кўрииб турибдики, бу турдаги автобуслар муҳандис-техник ходимларнинг сўнгги ютуқлари асосида йўловчиларга хизмат кўрсатиш учун ишлаб чиқилган.

Ботир АЛИЕВ

МАҚБУЛ ҚИЛИНГАН «МИЛЛИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ

МАҚБУЛ ҚИЛИНГАН «МИЛЛИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ

Қарор ва ижро

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯСИ

Ахборот технологияларининг жадал ривожланаётгани, жамият ҳаётининг барча жабҳасига янада интеграциялашуви ахборот хавфсизлигини таъминлаш, фойдаланувчиларни кибер-таҳдидлардан ҳимоя қилишга қодир тизимни яратишни тақозо этмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2005 йил 5 сентябрда қабул қилинган «Миллий ахборот-коммуникация тизимларининг компютер хавфсизлигини таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш доирасида Компютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази (Uzinfocom) ҳузурида Компютер ҳодисаларига чора кўриш хизмати (UZ-CERT) ташкил этилди.

Миллий ахборот тизимлари ва интернетдан фойдаланувчилар учун ягона марказ бўлган ушбу хизмат томонидан ахборот тўплаш, таҳлил қилиш, маслаҳат бериш ҳамда техник кўмаклашиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

UZ-CERT хизмати мутахассисларининг айтишича, барча ташкилот фаолиятини батафсил ўрганиш, мувофиқлаштириш кибер-таҳдидларга қарши курашга ёрдам бермоқда. Интернет-фирибгарлик ёки фойдаланувчилар махфий маълумотларидан ноқонуний фойдаланиш энг кенг тарқалган ана шундай хавфлардан ҳисобланади. Бундай қинғир мақсадларга, одатда, сервис ичида машҳур брендлар номидан электрон хатлар ва шахсий маълумотларни оммавий тарқатиш орқали эришилади.

Кибер-жиноят бутун дунёда оддий жиноятларга тенглаштирилмоқда, уларни содир этган шахслар эса қонун бўйича жазоланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида компютер техникаси воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-тарож қилиш, компютер тизимига рухсатсиз кириб содир этилган ўғирлик, ахборотни ноқонуний тўплаш, уни ошқор этиш ёки ундан фойдаланиш каби компютер жиноятлари кўзда тутилган. Жиноятга дахлдорлиги экспертиза томонидан аниқланган компютер, ахборот манбалари — дисклар, флеш-калар, IP-манзиллар, тармоқ ускуналари тегишли айбларни қўйишда далил бўлиши мумкин. UZ-CERT хизмати ходимлари кибер-жиноятни текширишда жиноят изини яшириш мақсадида йўқ қилинган маълумотларни қайта тиклайди.

Кибер-таҳдидларнинг кўпчилиги ва зарарли дастурий таъминот мавжудлигига қарамай, жиноятчилар кўпинча деярли бир хил мақсад ва вазифаларни қўлаб иш тутадилар. Улар тармоқлар базавий узеллари ва ахборот ресурслари ишлаш қобилияти, тизимдаги ахборотнинг бузилишига сабаб бўладиган ҳужумлар, шунингдек, маъмурий имтиёزلарга эга бўлишга қаратилган турли тармоқ ҳужумлари ҳамда миллий ахборот ресурслари ва алоҳида хостларга йўналтирилган «хизмат кўрсатишни рад этиш» ҳужумларини (DoS ва DDoS-ҳужумлар) уюштирмоқда. Ҳакерлар кўп ҳолларда бошқалардан ажралиб туриш ниятида компютер вируслари ва зарарли дастурларни яратиш ҳамда тарқатишга ҳам тайёр.

Ахборот муҳити номақбул электрон ёзишмаларни мақсадли тарқатишга асосланган маркетинг тадқиқотлар янги шаклларида ривожланиши учун қулай соҳага айланди. Ёвуз ниятли шахслар ахборот тизими ҳимоясини бузиб, унинг фаолиятини издан чиқарадиган зарарли дастурларни киритмоқда. Сайтга кираётган фойдаланувчи эса кўпинча яширин хавф остида қолаётганини ўйламайди. Негаки, яхши безатилган ва тегишли равишда тўдирилган ресурс, бир қарашда, безор кўрингани билан катта зарар етказиши мумкин.

Компютердан фойдаланувчининг тизими ва ускуналаридаги ҳимояланиш даражаси унинг ахборот технологияларини яхши билиши, ўз маълумотларини ҳимоя қилиш ҳамда компютерининг ишлаш қобилиятини сақлаб қолишига ҳам боғлиқдир. Ихтисослаштирилган ҳимоя дастурлари — антивируслар шахсий компютерини ҳимоя қилишнинг энг замонавий ва ишончли воситаси бўлиб қолмоқда. Ихтимоий тармоқлар ва бошқа интернет-ресурсларга кириш учун фақат браузерни очишни биладиган фойдаланувчи учун антивирусларнинг энг муҳим вазифаси — максимал хавфсизликни таъминлаш.

Шу билан бирга, кибер-хавфсизликни таъминлашда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, хусусан, маълумотлар узатиш бўйича глобал тармоқ хизматларини тақдим этаётган, халқаро ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятини яратяётган ва интернет-кафедрлар ташкил қилаётган турли ҳўжалик субъектлари ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Пойтахтимиздаги айрим интернет-кафедрлар маъмурларининг сўзларига кўра, ахборот хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим вазифалардан биридир. Бунда сингнатуралари хар кунни янгиланадиган энг сўнгги антивируслардан фойдаланиш яхши самара беради. Шунингдек, лицензияга эга дастурий таъминотдан фойдаланиш ҳам муҳимдир.

Мобил алоқа тизимларининг шиддат билан ривожланиши, энг янги технологияларнинг замонавий мобил алоқа қурилмаларига интеграциялашуви мобил телефонлар учун яратилаётган зарарли дастурий таъминотлар кўпайишига олиб келмоқда. Кўп ҳолларда телефондан фойдаланувчиларнинг телефон зарарли дастурлар билан зарарлангани ёки зарарланганини аниқлаш жуда қийин. Профилактика мақсадида ўрнатилган иловаларни тез-тез текшириб туриш, нотаниш иловаларни эса ўчириб ташлаш зарур. Батарея қувватининг тез йўқолиши, интернет мавжуд бўлса-да, маълумотлар трафикининг тезлик билан ошиши, контент-хизматлар ва халқаро хизматларга пулли SMSлар юбориш, тизимнинг аввал ўрнатилган дастурларни қайта ўрнатишни рад қилиш, мобил қурилманинг автоматик тарзда қайта юкланиши зарарланишининг энг аниқ белгиларидандир.

Мамлакатимизнинг давлат муассасалари, банклари ва вазирликлари автоматлашган ахборот тизимлари ва дастурий комплекслар билан кенг таъминлангани уларнинг тезкор фаолият кўрсатиши, турли операцияларни бажаришга хизмат қилмоқда. Шу боис мамлакатимизда барча давлат ахборот тизимлари хавфсизлигини таъминлаш борасида зарур чора-тадбирлар қўрилмоқда, кибер-таҳдидларга қарши ишончли тизим яратилган.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА муҳбири

ЁШ ОИЛАЛАРГА ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

дастурига мувофиқ 2009-2012 йилларда қишлоқ аҳоли пунктларида 23 500 дан ортқ замонавий ва кўркам турар жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

«Қишлоқ қурилиш банк» бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари А.Эшонкулов таъкидлаб ўтганидек, ўтган даврда қурилиш объектларининг умумий қиймати 1 962,1 миллиард сўмни ташкил этган бўлиб, «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан уни молиялаштириш учун аҳолига қарийб 1 186,3 миллиард сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ажратилиши таъминланди.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш «Обод турмуш йили»да ҳам

изчил давом этмоқда. Хусусан, жорий йилда 353 та қишлоқ мавзеси ҳудудида 10 мингга яқка тартибда уй-жойларни барпо этиш кўзда тутилган. Қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини яхшилаш, турмуш даражаси ва сифатини оширишга қаратилган ушбу лойиҳанинг қиймати 1,4 триллион сўм бўлиб, уни амалга оширишга мамлакатимизнинг етакчи банклари «Қишлоқ қурилиш банк», «Ипотекабанк» ва Ташки иқтисодий фаолият миллий банки сафарбар этилган. Ўтган беш ой мобайнида юқоридаги банклар томонидан қарийб 450 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди.

Президентимизнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгай-

тиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2010 йил 17 июнда имзоланган «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари бунда муҳим омил бўлмоқда.

Ушбу қурилаётган тайёр замонавий уйлари харид қилиш халқимизга қулайлик туғдирмоқда. Етти фоизли кредитнинг 15 йил давомида тўлаб борилиши ва уй қийматининг бадали сифатида 25 фоизи олдиндан тўланиши уй эгалари, айниқса, ёш оилалар учун жуда қўл келмоқда. 2012 йилдан бошлаб ушбу уй-жойлар учун ажратиладиган ипотека кредитларини қайтариш бўйича имтиёзли давр бир йил муддатга узайтирилди. Жорий йилнинг январдан бошлаб уй-жойларга оид кредитни қайтариш даври мобайнида унинг эгаси мулк солиғи тўлашдан озод қилинди.

Анжуманда йиғилганларнинг уй-жой қурилишининг ҳуқуқий асослари, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари, сармояларни жалб қилиш борасидаги самовларига мутахассислар томонидан батафсил жавоб қайтарилди.

Абдуалим САЛИМОВ

Жорий йилнинг 19-24 октябрь кунлари «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан «Ўзбекино» миллий агентлиги билан ҳамкорликда III «Олтин Гепард» Тошкент халқаро кинофоруми ўтказилади. Пойтахтимизда мазкур анжуманга тайёргарлик масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Санъат

ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШЛАР ВА МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

«Ўзбекино» миллий агентлиги бош директори Ж.Қосимов, «Олтин Гепард» Тошкент халқаро кинофоруми бош директори А.Ҳақимов, Ўзбекистон халқ артисти М.Ражабов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий кино санъатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани мамлакатимизда ёшлар маънавияти, диди ва баъдий савиясини юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

«Олтин Гепард» халқаро Тошкент кинофоруми бўй консептуал гоёси, мазмун-моҳияти, қизиқлари, ранг-баранг ва бетакрор дастури билан ўзбек ва жаҳон кино санъатининг энг яхши анъаналарини омалаштириш, ўзаро ижодий мулоқотни кенгайтириш ва мустақамлашга хизмат қилмоқда. Жаҳоннинг таникли кино юлдузлари билан ижодий учрашувлар, мусиқий кечалар, ёш киноижодкорлар учун маҳорат сабоқлари, фестивал ва курик-танловлар кино илосмандлари ва мутахассисларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Жорий йилнинг февраль ойидан 10 июлга қадар танлов ва танловдан ташқари дастурларда иштирок этиш учун тўлиқ ва қисқа метражли, анимацион фильмлар қабул қилинмоқда. Ҳозир таникли режиссёрлар, киношунослар, кинотанқидчилардан иборат саралаш комиссияси кинофорумга тақдим этилган фильмларни атрофлича таҳлил этиб бормоқда.

Бу йил фильмларнинг мазмуни ва географиясига алоҳида эътибор қаратил-

моқда. Ҳозирга қадар Германия, Франция, Италия, Швейцария, Венгрия, Польша, Болгария, Сербия, Жанубий Корея, Хитой, Вьетнам, Бразилия, Мексика, Перу, Хиндистон, Афғонистон, Эрон, Саудия Арабистони киноижодкорлари кинофорумда ўз фильми билан иштирок этиш истагини билдирган.

«XXI аср тамаддунлари: маданиятлар мулоқоти» шиори остида ўтказилувчи ушбу кино байрами Шарқ ва Ғарб, жаҳоннинг турли мамлакатлари киночиларининг ижодий изланиши, ўзаро мулоқот ўрнатиш, фикр ва тажриба алмашиш майдонидир. Айни пайтда жорий йилги кинофорум «Кўзгу ва тилсимда, акс садо ва мажозий ифодада» деган фалсафий гоёни ўзида мужассам этади. Халқаро кинофорум учун реалистик ва чуқур фалсафий-рамзий мазмунга эга, томошабинни кенг мушоҳадага ундовчи фильмларни танлаб олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кинофорум доирасида танлов дастурига киритилган фильмлар намойиши, ёш режиссёрлар, сценарийнавислар, операторлар, монтаж усталари учун маҳорат сабоқлари, «Глобал дунёда» — миллий киномавзусида илмий анжуман ўтказилади. Айни пайтда «Томошабин билан юзма-юз», «Ўзбек киноси панорамаси», «Ретроспектив фильмлар намойиши» сингари қизиқarli дастурлар мухлислар эътиборига ҳавола этилади.

(ЎЗА)



Мусобақалар

ДИЛНУРА — ТУМАН ЧЕМПИОНИ

Кейинги йилларда бошқа спорт турлари қатори юртимизда шахматнинг болалар ва ўсмирлар ўртасида оммалашиб бораётганлиги эътиборга лойиқдир.

Қувонарлиси шундаки, кейинги пайтда нафақат мактабларда, балки мактабгача таълим муассасаларида ҳам шахмат тўғрақлари фаолият олиб борапти. Эндигина беш ёки олти ёшга қадам қўйган болажонлар ҳамда қизалоқлар ўртасида шахмат бўйича турнирлар ташкил этиш одатий ҳолга айланиб қолди.

Яқинда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан шахмат бўйича мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида турнир уюштирилди. Яъни, Юнусобод туманидаги 304-мактабгача таълим муассасасида бошқалар тарбияланувчилари ўртасида шахмат бўйича туман биринчилиги бўлиб ўтди. Унда тумандаги мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган 66 нафар жажжилар туман чемпионлигини қўлга киритиш мақсадига донна суришти. Ушбу турнир олимпия тизимида ташкил этилди. Қизиқarli ва ўзига хос комбинацияларга бой кечган му-

собақа якунида ўғил болалар ўртасида шохсупанинг энг юқори поғонасини 304-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси Ойбек Саъдуллаев забт этган бўлса, фахрли 2,3-ўринлар 43-мактабгача таълим муассасаси вакили Аюбхон Мақсудхўжаев ва 555-боғча тарбияланувчиси Улуғбек Рустамовга насиб этди.

Қизлар беллашувида эса 304-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси Дилнур Акмаловага тенг келади рақиб топилмади. Фахрли 2,3-ўринларни 304, 154-мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари Бону Абдурахмонова ва Фазилат Эрназаровалар қўлга киритишди.

Энди мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида шахмат бўйича уюштирилган Тошкент шаҳар чемпионатида Юнусобод тумани шарафини Ойбек Саъдуллаев ва Дилнур Акмалова ҳимоя қилишди.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ

Кўргазмалар

ҲАЁТНИНГ ҚАЙНОҚЛАҲЗАЛАРИДАН ЛАВҲАЛАР

Тошкент Фотосуратлар уйида сураткашлар Виктор Аннинг «Замон алоқалари», Ленур Аметовнинг «Ичкаридан назар» деб номланган фотокўргазмалари очилди.

Фотопублицист Виктор Ан 1947 йили туғилган. Маълумоти бўйича техник-гидрометеоролог. Ўзбекистон ва Қозғистонда чоп этилган қорейс газетасида фотомухбир сифатида фаолият кўрсатган. Жанубий Корея ва Японияда шахсий кўргазмалари бўлиб ўтган. «Қозғистон қорейслари фототарихи» ҳамда «Йўқлаб олинмаган хат» фотобомбларининг муаллифи. У доимо ҳаётнинг қайноқ жойларида бўлиб, унутилмас, бетакрор лаҳзаларни тасвирга туширган. Кўргазмага ҳаётдан олинган фотолавҳалардан намуналар қўйилган. Муаллиф биз билан суҳбатда экспозицияга қўйилган фотосуратлар 40 йил мобайнида олган ижод намуналари эканлигини таъкидлади.

Мутахассислиги бўйича шифокор-жарроҳ Ленур Аметов эса фотосанъат билан 1966 йилдан бошлаб

шуғулланган. Кўргазмадаги суратларида тиббиётда муҳим йўналишлардан бўлган жаррохлик операциялари жараёнлари акс этган. 30 йил вақт мобайнида олинган суратлардан мухлислар баҳра олмоқда. Уларда қизгин иш дақиқалари ва бошқа ҳолатлар акс эттирилган. — Жаррохлик операциялари жараёни, даволашнинг муваффақияти унда қатнашувчи ҳамширалар, тиббиёт техникаси, шифокор-лаборант, анестезиолог, жарроҳ, реаниматолог ишига боғлиқ. Ичкаридан назар солиш, ҳамкасбларимиз орасида бўлиб, ушбу лаҳзаларни суратларда сақлаб қолиш менинг вазифам эди ва уни имкон даражасида бажаришга ҳаракат қилдим, — дейди Ленур Аметов.

Хусан АБДИЕВ
Алексей Попов олган сурат

Миробод туманида 25 та мактабгача таълим муассасалари бўлиб, ҳозирги кунда бўлим инспекторлари томонидан уларда тўлиқ текширувлар ўтказилди.

Шунингдек, кўнгилсиз воқеалардан йироқда бўлиш учун амал қилиниши зарур бўлган ёнғинга қарши қоидалар муассаса раҳбарияти ҳамда тарбияланувчиларга етказилди. Бўлим томонидан ўтказилган учрашувлар давомида тарбиячи ходимлар билан ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш мавзусида тушунтириш ишлари олиб борилиб, болажонлар билан ҳар хил турдаги викториналар ўтказилиши ташкиллаштирилмоқда.

Мактабгача таълим муассасаларида ёнғинга қарши тадбирларга тўлиқ риоя этиш лозимлигини эслатиб ўтадим. Яъни қуйидагилар таъкидланди:

— болаларни ёғочли биноларнинг чордоғидоғи хоналар ҳамда иккитадан кам чиқиш жойи бўлган бино қаватларида ва хоналарида жойлаштириш;

— болалар муассасаларининг ёғочдан қўрилган биноларида кир ювиш хоналари ва ошхоналари жой-

«101»

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНГ

лаштириш ҳамда дам олиш ва гуруҳли ўйинлар ўйнаш хоналарининг тағида газ асбобларини ўрнатиш;

— ёғочдан ва бошқа ёнғичи моддалардан қўрилган биноларда 50 дан ортиқ болаларни жойлаштириш.

Болалар муассасалари телефон алоқаси ҳамда ёнғинни маълум қилувчи ташвиш кўнгироклари билан таъминланган бўлиши керак.

Шунингдек, болалар муассасаларининг хизматчиларига ёнғин хавфсизлиги қоидалари ҳамда жабҳада ёнғин вақтида бажариладиган ишлар тартиби ўргатилган бўлиши керак. Байрам тадбирлари ўтказиладиган

хоналарнинг иккитадан кам бўлмаган қилиш эшиклари бўлиши лозим. Ёнғин содир бўлганда «101» рақамга қўнғироқ қилиниши доим ёдда тутиш зарур.

Ёнғиннинг олдини олиш содир бўлган ёнғинни ўчиришдан оsonдир. Ўзимизни ҳамда бизларга керакли бўлган жихозларимизни ёнғин офатидан сақлаш ўз қўлимизда эканлигини унутмаслигимиз лозим. Ўт балоси бизни доим четлаб ўтишига ҳаракат қилайлик.

И.МНРЗАЕВ,
Миробод тумани 3-ХЕО катта мухандиси, сержант

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида хорижий тилларни ўрганиш масалаларига бағишланган видеоконференция ташкил этилди.

Қарор ва ижро

КИЧКИНТОЙЛАР ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАНАДИ

Олимлар, тилшунос ва услубчилар, чет тиллари ўқитувчилари иштирокида ўтказилган видеомулоқотда Франциянинг халқаро педагогика тадқиқотлар маркази ҳамда Версаль академияси мутахассислари билан ўзаро фикр алмашилди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва хорижий тилларни билим ўрганиши учун зарур шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу йўналишдаги ишларни янада юқори босқичга кўтаришда муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур қарорга мувофиқ чет тиллари бўйича узлуксиз таълимнинг давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди. Ўқитишнинг барча босқичида ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар белгиланди.

Бугунги кунда юртимиздаги 1221 умумтаълим мактабининг 5-9-синфларида 232 минг нафардан ортиқ ўқувчи француз тилини ўрганмоқда. Юқорида номи қайд этилган қарор асосида умумтаълим мактабларида француз тилини ўргатиш асослари янгиланмоқда. Жумладан, 1-синф ўқувчилари учун янги «Hirondelle» — «Қалдирғоч» дарслиги яратилди. Мазкур дарслик жорий йилнинг май ойида мамлакатимизнинг 28 мактабига тажриба-синовдан ўтказилиб, жойлардан олинган

фикр ва мулоҳазалар, таклиф-таъсиялар асосида такомиллаштирилди.


Янги ўқув йилидан бошлаб мактаб оstonасига илк қадам қўядиган 539 мингдан зиёд 1-синф ўқувчиси чет тилларини ўргана бошлайди. Улардан 13 мингга яқини француз тилидан сабоқ олади.

— Ўқиш ва ёзувни эндигина ўрганаётган ўқувчи учун хорижий тилларни ўргатиш мураккаб ва масъулиятли жараёндир, — дейди ЎЗА муҳбирига Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчиси Сайёра Умарова. — Шу боис француз тилидаги «Hirondelle» дарслигини яратишда болалар учун қизиқarli интеллектуал ўйинлар, ёрқин ранглар, эртақлардаги завоқли персонажларнинг расмларидан унумли фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази томонидан электрон дарсликлар, инглиз, француз, немис, рус, ўзбек тилларини, «Касблар», «Транспорт ва йўл ҳаракати қоидалари», «Ўй жихозлари», «Сабзавот ва мева-лар», «Ҳайвонот олами» каби ўнга яқин йўналишни ўзида жамлаган электрон лўғатлар, таълим ресурслари яратилди. Уларнинг барчаси вазирликнинг махсус ахборот-таълим порталида «Хорижий тилларни ўрганиш» бўлимига жойлаштириб берилмоқда.

Видеоконференцияда чет тили ўқитувчиларининг малака ва маҳоратини ошириш, уларнинг ўзаро тажриба алмашишига доир истиқболдаги ишлар белгилаб олинди.

Назозат УСМОНОВА



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Вақтнинг кўплиги — ишнинг йўқлиги.

Эътироф, бу — меҳнатингга берилган баҳо.

Завқ — ҳаётсеварлик ҳосиласи.

Аҳволингни ўзгартириш учун қайғу чекиш эмас, ҳаракат қилиш керак.

Бировни мактасанг, бошқанинг гаши келади.

Борида қадрига етмасанг, йўғида излаб тополмайсан.

Кўнгли қаттиқ душмандан баттар.

Нафс йўли чоҳ сари етаклайди.

Ўзига қаттиқ ишонч худбинликни келтириб чиқаради.

Ишинг тушса, дўстингга ҳам малол келасан.

Энг кўп йўқотиш вақт ҳиссасига тўғри келади.

Ҳеч ким ўз манфаатига қарши бормайди.

Ўз фойдасига қолганда ҳеч ким бировнинг маслаҳатига муҳтож эмас.

Мақсадли меҳнат натижасиз кетмайди.

Миннат яхшилиқни йўққа чиқаради.

Текин нарсалар алдаб қўяди.

Бировни биров ҳеч қачон тўла маънода тушунмаган.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 18 июнда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилиши ўзгариб туради, ёнғинларнинг бўлиши йўқ. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз да шамол эсади. Ҳарорат кўнайки тахмин қилинган — 15-17, кундузи — 30-32 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳрида 18 июнь кўни ҳаво бир оз муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилиши ўзгариб туради, ёнғинларнинг бўлиши йўқ. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз да шамол эсади. Ҳарорат кўнайки тахмин қилинган — 15-17, кундузи — 30-32 даража иссиқ бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32



Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 641

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълолар: 233-28-95, факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11837 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул Д. Исроиллов

Босишга топширилди: 14.20

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ